

Фридрих Дюрренматт XX аср мумтоз сиймолари каторидан муносиб ўрин олган швейцариялик адиб. XX асрнинг катта адабиётининг детектив хусусияти хақида фикр юритиб немис адиби Бертольд Брехт шундай ёзган эди: “Биз фалокатлар шароитида ўз хаётий тажрибаларимизни орттираимиз. Фалокатлар асосида ўзимизнинг биргаликдаги ижтимоий хаётимиз амалга ошадиган киладиган усулни англашимизга тўғри келади. Фикрлаш оркали биз инкироз, тургунлик, инкилоб ва урушларнинг сабабини очиб беришимиз керак. Газеталарни ўқиётгандаёк биз фалокат содир бўлиши учун кимдир нимадир килганини хис этамиз. Хўш, нимани ва ким содир килди? Бизни хабардор килишган ходисалар ортида биз бошқа, бизга хабар килинмаган ходисалар рўй берганини фараз киламиз. Айни шулар хақикий ходисалардир”.

Дюрренматтнинг асарларида, унинг кулгуси ва аччиқ истехзоси, алам ва дардлари, тилак ва ниятлари, изланиш ва кашфиётлари ортида, айни XX аср фожеа ва фалокатлари, ёзувчининг дардчил калби ва тафаккурида уларнинг колдирган чукур из ва жарохатлари бўй-басти билан намоён бўлади. “Мен христиан эътимоди мухитида ўсиб улгайдим, - ёзади у ўзининг ёшлиқ ва ўспиринлик йиллари хақида. Албатта, унинг атрофидаги одамларнинг бари хам идеал эмасди, хар бир кишининг ўз нуқсонлари, иллати, яширин гуноҳи бор. Аммо хар холда хали тажрибасиз, хаётнинг пасту-баландини кўрмаган навкирон болага дунёнинг асосини ташкил этган ва инсон хаётини белгилаб берадиган умумий тартиб мустахкам бўлиб туюларди. Дин, ахлоқ, ватанпарварлик, сиёсат ўртасида хеч қандай зиддият йўқ, гўё. Олам ажойиботларга тўла. У тугилган кишлокда хатто театр хам бор эди. Вокзалда эса узок-якин шаҳарлардан келаётган поездлар югуришдан чарчагандек, “уф” торта-торта тўхтаб ўтишарди. Ҳақиқатда болалар учун кўнгил очар жойлар йўқлиги тўғрисида хар қандай ходиса томошага айланарди. Атрофда эса, кўзларни кувнатгувчи, дилларни яйратгувчи ям-яшил тоғлар, кўкда якинлигидан ерга қулай-қулай деб тургандек туюлган юлдузлар. Онасидан эшитган инжилдаги мўжизаларга тўла ривоятлар дунёсига ўхшарди борлик.

Ана шу тинч ва осуда, қадимдан ўзгаришсиз сакланиб келаётган одат ва удумлар билан яшайдиган оламини уруш остин-устун килиб юборди. Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Дунё хақидаги илк тасаввурларга мутлақо ёт, тамомила бегона - алғов-далғовларга, дахшатли воқеаларга тўла, аччиқ дуд иси-ю, ўлим ва қон таъми келиб турган воқелик уни ўз исқанжасига олди. Шу дамгача гўзалликка мухтож кўзлар иллаган, эзгуликка қанқок дил туйган хаёт энди зулм, адоват, гайр, шахват аксланган бадбуруш киёфасини намоёиш этди. Энди бутун борлик чирик ва ёлгон бўлиб туюла бошлади унга. Айни шундай бир шароитда, Дюрренматт кўлига қалам олди. Унинг илк асарларига норозилик ва дилхасталик доялик килди. Дюрренматтнинг дастлабки хикояларида унинг назаридаги таянғчини йўқотган дунё сингари мудҳиш, галати, фантастик оламнинг сурати намоён бўлади.

Вакт ўтиши билан Фридрих Дюрренматтнинг услубида муайян ўзгариш содир бўлди, хусусан беҳад, давосиз дард ўрнини юмор эгаллади. Юмор, кулгу ёзувчи учун хаётнинг у англаган дахшатли хақиқатидан йироқлашиш хамда бу хақиқатнинг огир юки остида рухий эврилишдан ўзини асраш воситасига айланди. Кулгуда у инсон рухий-маънавий эркинлигининг ифодасини кўрди. Дюрренматт асарларидаги юмор халос этувчи қучга айланди, химояланиш воситаси вазифасини бажариб келди.

Бирок у хар бир асарида тилга олинган воқеа-ходисаларнинг мазмун моҳиятини очишга

харакат килар экан, хаётдаги аллакандай парчаланишга, эврилишларга эътиборни каратади. Масалан, “Шахар” хикояси кахрамонига камокхона кўрикчиси ишини таклиф этишади. Иш жойига, коронгу ертўлага келганда, у ўзини шахар бошқарувига дахлдор, кудратли кишидек хис килади. Бирок, аста-секин ўзи ва гўё у кўриклаётган махбуслар ўртасидаги фарк йўқолиб боради, ўзининг ҳам махбусга айланганлиги хақидаги хавотир ўй-хаёлини банд этади, бошликларнинг унинг эркинлиги хақидаги гаплари ҳам ёлгон бўлиб туюлади. Махбус ва кўрикчиларни ажратиб турган чегара хаёлий бўлиб чиқади. Дюрренматт ижодида “лабиринт” мотиви етакчилик килади. Лабиринт мотиви ўз ибтидосини кадим юнон мифларидан олган. Уларда хикоя килинишича, лабиринтни афсонавий меъмор Дедал шох Миноснинг амри билан афсонавий Минотаврни камаш учун курган. Швейцариянинг пойтахти Берндаги бинолар, бир-бири билан кесишиб, чалкашиб кетган кўчалар, уларни ўз исканжасига олган сон-саноксиз аркалар, Швейцария тоғларининг багрини ёриб тилка-пора килган ва йўловчиларни ўз огушига олиб, ёруг оламдан айирадиган туннеллар ёзувчи хаёлотида лабиринт образининг пайдо бўлишига туртки берган бўлса, ажаб эмас. Бирок хар кандай ижодкор яратган образда унинг ўй-ташвишлари, хаётининг у иллаган конуниятлари аксланади. Аксланади, ривожланади, шаклга киради, ўзгача мазмун касб этади. Лабиринт унинг асарларида инсонни ўз домига тортиб, махбусга айлантирган, халос бўлишнинг асло иложи бўлмаган мудхиш воқеликнинг рамзига айланди. Ва яна ёзувчи учун лабиринт хаёт ва инсон хақида чиқарган хулосаси - инсон калбининг зохирий дунёсидаги нотургунлик, унинг хатти-харакатларидаги сабаб-окибат муносабатларининг ноаниклиги, ботин ва зохирнинг айрилиги, ёлгон ва хақиқат, эзгулик ва разолат ўртасидаги чегаранинг ўта мавхумлиги, сурат ва сийрат маконсизлигининг ифодасидир. Унинг асарларида маънолар осонлик билан ўзгаришга учрайди, ўзининг зиддига айланади, кетма-кет яна ва яна ўгирилиб, аник хулоса чиқаришга, бахолашга, бир тўхтамга келишга йўл кўймайди. Шу тарика “аўрикчи хотиралари” хикояси кахрамони бошпана деб билган гор унинг учун камокка айланади, “Шахар” хикоясида ташқаридаги – шахардаги алгов-далговлардан кутулиш ва хатто Шахарни бошқарувига дахлдорлик туйгусини берган ертўла, айна пайтда кахрамон учун камокка, кайтиб чиқишнинг имкони бўлмаган лабиринтга айланади. Лабиринт ичида одам – кўрикчи, маъмурият, хокимият вакили, айна пайтда у – махбус, курбон. Инсон холатидаги бу ноаниклик факат унинг хаёлидагина бўлмай, реалликка айланади. “аўрикчи хотиралари” хикоясининг сўнгида асар кахрамони арконга осилган кишини кўради. Уни махбус, жинойтчи деб ўйлайди. Командир унинг кўрикчи эканлигини айтади. “Нима учун уни остирганимни биласанми? Чунки, бу кўланса ит ўзини кўрикчи эмас деб ўйлай бошлади. – Ўзини ким деб хисоблайди бўлмаса? – Махбус деб – жавоб берди командир”.

1976 йили Дюрренматтнинг “Мувофикликлар” китоби чоп этилди. Кейинчалик матни кайта-кайта ишланган мазкур китобда муаллифнинг хозирги замон дунёси хақидаги тасаввурларини ифода этувчи фикрлар баён этилган.

Китоб гарчи “Мувофикликлар” деб номланган бўлса-да, аслида унда номувофикликлар хақида, хаётнинг мунофикона ўзгарувчи киёфаси хақида гап боради. Дюрренматт хаёт ва у хақидаги тасаввурларнинг ўзаро номувофиклиги, реал воқелик ва одамлар онгида ўрнашиб колган тушунчалар ўртасидаги ажралиш хақида ёзади.

Дюрренматт турли муносабат билан айрим давлатлар ва жахон сиёсати хақида кўп фикр билдирган. Замонавий сиёсий муаммоларни хал этиш йўллари хақидаги ўз гоёлари билан ўртоқлашган. Бир-биридан беҳад узоклашиб кетган давлат сиёсати билан халк

манфаатларини якинлаштириш хакида кайгурган. Аммо уни, санъаткор сифатида, сиёсий муаммолар эмас, аввало инсон кизиктиради. Инсон, унинг табиати ёзувчи наздида барча нарса, хусусан, ўша сиёсий муаммоларнинг асосини, ўзак томирини ташкил этади. 2озирги замон дунёсининг мунофики кифоати, аслини олганда, инсоннинг анланган ёки анланмаган мунофикининг инъикосидир. Ёзувчи учун истехзо - бироз бўлса-да, ана шу кифоатини тинимсиз ўзгартириб борадиган дунё ва инсонни анлашнинг ягона воситасига айланади.

Истехзоли кулгу Дюрренматт ижодидан мустахам ўрин эгаллаган. У бир катор комедия жанрида ёзилган асарларнинг муаллифи. Айнан комедия, унинг фикрича, хозирги замон дунёсининг гротескони кифоатини очишга кодир, айнан комедия хакикати бироз бўлса-да, аён килишга ёрдам беради.

Аслини олганда, комедия Дюрренматт ижодининг мазмун-мохиятини ташкил этади - “Грек йигит грек кизни излайди” кифоатига иккинчи сарлавха сифатида “Насрий комедия” деган сўзлар танлангани бежиз эмас.

Бир карашда Дюрренматт асарларида интрига одатий - икки карама-карши кучни зидлантириш асосида курилгандек. Ахлоқ ахлоқсизликка, эзулик разолатга карши кўйилган. Шунга мувофиқ кахрамонлар танланган ва жойлаштирилган. Аммо Дюрренматтнинг мумтоз драматургия коидаларига риоя этишининг ўзи хам истехзо кўринишини касб этади - эзулик ва разолат ўртасидаги кураш тарзида талкин этилган дунё мантиги унинг асарларида парчланади. Унинг ўрнини ёзувчининг ўзгача, хушёр торттирувчи мантиги эгаллайди. 2аёт, воқелик унсурлари ўша-ўша, лекин худди болаларнинг “калейдоскоп” ўйинчогини озгина силжитса, озгина бурилса, унинг ичидаги рангли шишачалардан бутунлай бошқа безак пайдо бўлганидек, бу унсурлардан ёзувчининг бир характи билан буткул ўзгача манзара хосил бўлади. Дюрренматт калами остида дунё бошқа маъно-мазмун касб этади. Аниқроғи, ёзувчи ўз ўқувчисини икки ва ундан хам ортик талкин томон етаклайди. Бу талкинлар бир пайтнинг ўзида хам бир-бирини инкор этади, хам кўшилиб кетиб, ажабтовур яхлитликни намойиш этади. 2икоянинг ривожини воқеалар алмашинуви асосида эмас, муаллифнинг аллақандай фантастик мантиги асосида кечади. Фантастик эврилиш мантиги истехзо воситасида хамма нарса остин-устун килиб юборади ва реал воқеликка айланади. Масалан, “Мистер Ш таътилда” хикоясида шайтон эзу ишлар килиш учун ерга тушади. У иштиёк билан эзулик уруғларини сочади. Аммо охир-оқибат маълум бўлиб қоладики, дунё разолатсиз бўлиши мумкин эмас экан: иллатлар хаётни илгари силжитади, коррупция камайган сари эса иктисодиёт инкирози кучайиб боради.

Биринчи карашда бу хикоя XVIII аср инглиз файласуфи ва ёзувчиси Бернард Мандевилнинг инсон ва жамият борасидаги карашларини эслатгандек бўлади. Ўзининг машхур “Асаларилар хакидаги масал ёхуд алоҳида шахсларнинг иллатлари – жамият учун фойда” асарида у жамиятдаги гармонияни эзу ишлар эмас, айна иллатлар саклашга ёрдам беришини асослашга харакат килади. Асалари уяси тимсолида ўз даври жамиятини тасвирлаган адиб уни идеаллаштирамайди, хусусан, унинг наздида, одамларнинг хатти-харакатларини шахсий манфаат ва даромадга интилиш белгилайди. Аммо бундай хол унинг учун табиийгина бўлиб қолмай, ақлга хам мувофиқдир, зеро унинг наздида жамият иллатларсиз барбот бўлади.

Мандевилдан фарқли ўларок, Дюрренматтнинг максими, иллатларни оқлаш эмас, балки нафакат хаёт хакидаги тасаввурлар, хаётнинг ўзи хам омонатлигини кўрсатиш. Бу омонатлик хакида у хар бир асарида ўзгача ёзади, лекин хулоса ўзгаришсиз қолади:

бизга мустахкам замин бўлиб туюлган исталган жойда хар дакика тубсиз жарлик пайдо бўлиши, шаклланган тасаввурлар чил-чил бўлиши ва тартиб ўрнида тартибсизлик намоён бўлиши мумкин.

Дюрренматтнинг ижодий меросида галати бир асар бор. Унинг тўлик номи: “Топширик ёхуд назоратчининг назоратчилар устидан назорати. 24 жумладан иборат новелла”. Уни ташкил этган бу 24 жумланинг хар бири– битта боб. Бир неча саҳифага чўзилган боб–жумлаларда биронта нукта йўк. Улкан жумлаларнинг бўлаклари бир-бирига маҳорат билан боғланган ва Дюрренматтнинг Дунё ва инсон хақидаги тасаввурлари сингари, бири биридан келиб чиқади, бир-бири билан боғлиқ, бир-бирини тақазо этади. Унинг бошка асарларида ҳам бир воқеа-ходисанинг турланган талкинлари узлуксиз бир жумлага бирлашиб кетади, зиддиятли яхлитликни ташкил этади. Бу яхлитлик чарчок ва чорасизлик омехтасидан дунёга келган. Аммо ўзи яратган оламдаги турланишлар сингари Дюрренматт ўқувчисини охиста, шошилмай, эхтиросга берилмай, чарчок ва чорасизлик уммонидан охир-окибат умид киргогига олиб чиқади. “²акикий ёзувчилик юмуши хар доим инсон имкониятларини англаш ва амалда синаб кўриш ишида иштирок этишдан иборат”, - деган эди бир ерда Дюрренматт.

Дюрренматт кўпинча яхши маълум бўлган тарихий ёки афсонавий сюжетларга мурожаат этади ва уларни бутунлай бошқача талкин этиш, улардан ўзгача хулосалар чиқариш мумкинлиги кўрсатади. “Пифиянинг ўлими” хикояси ҳам ана шундай асарлардан бири. ³адимий юнон афсонаси ва ундаги воқеа-ходисалар ёзувчининг истехзоли калами остида турланиб, ўзгача мазмун касб этади. Дюрренматт қахрамонларининг ички оламига гаввос каби шўнгийди, инсон рухиятининг энг чуқур, коронгу бурчакларини ёритади, гўё уларнинг вужудини ағдариб, ботиний катламларни зохирга олиб чиқади. Дюрренматтнинг психологизми қахрамонларининг хатти-харакатларида намоён бўлгувчи яширин, баъзан сир тутилган, баъзан англалмаган ниятларни юзага чиқаради.

Китобхон Дюрренматт талкинидаги дунёни қабул қиладими, йўқми, бундан катъий назар, бир нарсани тан олиши тайин – хаёт баъзан ўзининг дахшатла иршайган, бадбуруш томони билан инсон томон юзланади. Айни шундай дамлар синов дамларига айланади. Ана шундай дамларда бир елкасида раҳмон, бир елкасида шайтон ўтирган инсон уларнинг қай бирига кулок тутиши, умид ёки ноумидлик, эзгулик ёки жохиллик йўлини танлаши, ўзлигини саклаб қолиши, ўзини ким деб идрок этиши ўзига боғлиқ. “Шахар” хикояси сўнгида айнан шунга ишоратни кўрамиз: “... ⁴ўрикчи эмас, махбус бўлиб чиқишнинг хақиқатга айланиши мумкинлиги мен учун хаётимни чинакам дўзахга айлантирди. Зеро, билинтирмай ер қаърида чуқурлашган, деворларидаги дахшатли башараларни ёритиб турувчи кўкиш нурга тўлган бу йўлакда ким ҳам яшай оларди? Бу мен учун дош бериб бўлмас бир ўйга айланган эди... Аммо чеки йўқ ўйларим ана шу ерга келганда, калламга хал қилувчи бир гоё келди, Коперникнинг эътирофига ўхшаш: кўрикчиларнинг жойлашишини бошқача тасаввур қилиб кўриш керак...”

Улугбек Саидов